# Тонгда ва кеч кирганда айтиладиган дуо




09:47 / 26.04.2025    1610

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким тонгда ва кеч кирганида:

??????? ????? ??????????? ???????? ??? ??????

?????? ???? ???????? ??????????? ?????? ?????

???????? ?????????? ??? ?????? ?????? ?????

????????? ?????????? ??? ????? ????? ????? ?????

???? ?????? ???? ??????? ???????? ????? ?????

????? ????? ?????? ??????? ??????? ????? ???????

**«Роббийаллоҳ, таваккалту ъалайҳи лаа илаҳа илла ҳув, ъалайҳи таваккалту ва ҳува роббул ъаршил ъазийм, лаа илаҳа иллаллоҳул ъалиййул ъазийм. Маа ша`аллоҳу каана ва маа лам йаша` лам йакун. Аъламу анналлоҳа ъала кулли шай`ин қодийр. Ва анналлоҳа қод аҳато бикулли шай`ин ъилма», деб айтса, сўнг вафот этса, жаннатга киради»**, дедилар.

**Маъноси:** Раббим Аллоҳдир. Унга таваккал қилдим. Ундан бошқа илоҳ йўқ. Унга таваккал қилдим. У улуғ аршнинг Раббидир. Улуғ ва олий Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У хоҳлаган нарса бўлади. У хоҳламаган нарса бўлмайди. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани илми билан иҳота қилган зотдир.

*Ибн Сунний ривоятлари.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***
***Таржимон Анвар Аҳмад***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.